Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган **1997 йил 24 сентябрь, чоршанба** **Баҳоси сотувда эркин нархда.** **№ 74 (6970)**

Da'vat

Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

Цицерон.

Ibrat

Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами арафасида Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси Нурота туманидаги учта ўрта мактабга замонавий компьютерлар тупламини совға қилди.

КУН ТАРТИБИДА ЯНА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

22 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Парламент Ассамблеяси Кенгайтирилган Бюросининг навбатдаги мажлиси ҳамда «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзуидаги семинари ўз ишини бошлади. Дарвоқе, бу нуфузли ташкилотнинг навбатдаги мажлиси ва семинари ўтказилиши учун Ўзбекистон танлангани бежиз эмас. Мамлакатимиз Марказий Осиёда жадал ривожланиб бораётган давлат бўлиш билан бирга, минтақада барқарор тинчлик ўрнатишнинг асосий жарчисига айланганлигини бугунги кунда халқаро ҳамжамият ҳам очиқ эътироф этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов қатор халқаро анжуманларда ҳам, хусусан БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси, сўнгра 50-юбилей сессиясидаги нутқида ҳам жаҳонда тинчлик ўрнатиш, минтақавий можароларга чек қўйиш ғоясини баралла айтгани яхши ёдимизда. Эндиликда эса, Тошкентда ана шу чақириқ мазмун-моҳияти ҳукм сурмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов мазкур анжуман қатнашчиларига табрик мактуби йўллади. Унда жумладан шундай дейилади: «Сизларнинг анжуманингиз муштарак мақсадга эришиш — барча мамлакатлар ва минтақаларнинг хавфсиз ва барқарор ривожланишига, сайёрамизнинг ҳамма жойида тинчлик ва фаровонлик қарор топишига эришиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиб қолади, деб ишонаман».

Анжуман ишида ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг Раиси Х. Руперез, Россия Давлат Думасининг раиси Г. Селезнёв ва бошқа қатор давлатлар парламентларининг раҳбарлари иштирок этмоқдалар. Мажлиснинг биринчи кунида Варшава шаҳрида бўлиб ўтган ҳар йилги сессия натижаларига якун чиқарилди. Шунингдек, Кенгайтирилган Бюро мажлиси қатнашчилари ташкилий йўсиндаги масалаларни ҳам муҳокама этдилар. Жумладан, Монако шаҳрида бўладиган Иқтисодий конференцияга тайёргарлик тўғрисидаги ахборот эшитилди. Парламент Ассамблеясининг қатор тадбирлари, хусусан, Бюронинг Копенгагендаги, Доимий қўмитанинг Венадаги мажлиси, Кенгайтирилган Бюронинг Мадриддаги баҳорги мажлиси ҳамда Копенгагендаги ҳар йилги сессия билан боғлиқ тадбирлар муҳокама этилди.

Мажлисда Тошкент анжуманига ташриф буюрган делегацияларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАСИ

24—25 сентябрь кунлари Андижон шаҳар ҳунар таълими илмий-тадқиқот институтида Президент Ислом Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси IXсессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда «Касб-ҳунар ўқув муассасалари учун таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишнинг ўқув-методик таъминоти муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтади. Анжуманда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур», шунингдек, таълимнинг бошқа қўплаб долзарб муаммолари тўғрисида Халқ таълими вазирлиги, ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассислари маърузалари тингланади.

Айниқса, конференцияда Ҳамдўстлик мамлакатларидан: Россия, Қозоғистоннинг ҳунар таълими бўйича йирик академия ва институтларидан мутахассисларнинг иштирок этишидан унинг янада сермазмун, қизиқарли ўтиши кутилмоқда.

Р. БОЙМАТОВ.

Тошкент шаҳридаги 154-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Мактуба Мавлонова номини ҳамкасблари ҳурмат билан тилга олишади. Мактуба опа ўзининг болажонлиги, зукко ва билимдонлиги билан шундай ҳурматга сазовор бўлган. Муаллима ҳар бир дарсини бошлашдан олдин, аввало ўз ўқувчиларининг қалбига киришга, уларнинг фикр-эътиборини бир нуқтада жамлашга ҳаракат қилади. Натижада барча болаларнинг билимларни бир текисда ўзлаштириб олишларига эришади. Суратда муаллиманинг севимли шогирдларидан бири (дарвоқе, шогирдларининг барчаси ҳам муаллима учун бирдай севимли) 1-синф ўқувчиси Мухлиса Юсуфхўжаева билан мулоқоти акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ta'lim islohoti yo'lida

ИМКОНИЯТ БОР, ҲАРАКАТ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган кундан бошлаб, республика раҳбарияти ва шахсан Президентимиз И. Каримов таълимни ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор бериб келмоқда. Мана, яқинда халқ ноибларининг IX сессиясида халқ таълимига тааллуқли бўлган икки муҳим ҳужжат қабул қилинди: «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури».

Миллий дастурнинг мақсади, турли даражадаги юқори малакали, рақобатбардош замонавий мутахассислар тайёрлаш тизимини ривожлантиришга, маънавий бой, эркин, ижобий шахсни шакллантиришга қаратилган. Бунда узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат, жамият ва шахс сингари, унинг таркибий қисм вазифалари ҳисобга олинган.

Дастурнинг стратегик мақсад ва вазифалари босқичма-босқич амалга оширилади. Биринчи босқич — (1997-2000 йиллардаги ўтиш босқичи), иккинчи босқич — (2000-2005 йиллар), учинчи босқич — (2005 ва кейинги йиллар).

Республикада кадрлар тайёрлашнинг ҳолати шуни кўрсатадики, бу борада шахс, давлат, жамият, фан, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан мутахассислар тайёрлашнинг амалдаги тизими ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилишга тўлиқ эришилгани йўқ.

Янги қабул қилинган қонун ва кадрлар тайёрлашни миллий дастурига асосан ёшларимиз 12 йил мобайнида (9 йил мажбурий, қолган 3 йили мажбурий-ихтиёрий) таълим олишлари керак. Асосий маълумот негизида 9-синфни битирган ёшлар иккита йўналиш бўйича янги турдаги 3 йиллик мактабларда — академик лицей ва касб коллежларида ўқишни давом эттиришади.

Қайтадан ташкил қилинган ҳунар мактабларида (коллежларда) йигит ва қизларимиз камида 2-3 касб бўйича таълим олиш билан бир қаторда ўрта маълумотга эга бўлишади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, асосий касби бўйича, меҳнат бозори талабига кўра, янги ишлаб чиқарилган Давлат стандартларига асосан 4-5 даражали мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг анъанавий қўшма мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Япония делегацияси аъзоларининг бир гуруҳини қабул қилди.

• Республикамизнинг турли вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ва Япония банклари ташкилотлари ва қўплаб корпорация ва компаниялари вакиллари иштирок этган Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг IV қўшма мажлисида нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, сайёҳлик, коммуникация, техника соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш яхши натижалар беражаги таъкидланди.

JUMLADA JAHON

• Қирғизистон Республикаси Жоқарғи Кенгеши халқ вакиллари йиғилишининг Тўрағаси А. Матубраимов бошчилигидаги Қирғизистон Республикаси парламент делегацияси Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди.

• Толибларнинг кетма-кет ҳужумига учраган Афғонистонда жойлашган Мозори Шарифдан халқаро хайрия ташкилотлари ўз ваколатхоналари ходимларининг катта қисмини кўчиришди.

• Араб давлатлари лигаси аъзолари (22 та араб мамлакатидан иборат) Исроилга қарши тадбир уюштириш ниятида эканликларини баён этишмоқда.

• Сянганда бўлиб ўтган Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзасининг 24 давлатидан ташкил топган ривожланаётган мамлакатлар манфаатларини ҳимоя қилиш ташкилоти анжуманида Баёнот қабул қилиниб, унда жумладан жаҳондаги ночор аҳволда қолган мамлакатларнинг қарзларидан кечиш кераклиги талаб этилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АФҒОНИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАДОШ ШИМОЛИЙ ҲУДУДИДАГИ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЁНОТИ

Илгари қайд этилганидек, сўнгги вақтда «Толибон» ҳаракатининг қуролли отрядлари ва Афғонистоннинг шимолидаги уларга қарама-қарши кучлар ўртасида шафқатсиз тўқнашувлар бўлмоқда. Бизга етиб келаётган маълумотларга қараганда, у ерда қўплаб одамлар ҳалок бўлмоқда, уй-жойлар вайрон қилинмоқда.

Жанговар ҳаракатлар натижасида толиблар Узбекистон чегарасига бевосита яқин жойлашган Ҳайратон шаҳрини эгаллади.

Ҳозирги вақтда ҳарбий тўқнашувлар давом этаётган ҳудуд вақти-вақти билан бирбирига қарши курашаётган томонларнинг қўлидан қўлига ўтиб турибди.

Афғонистон ҳудудида бир-бири билан урушаётган томонлар бир-бирини ўзаро ўққа тутиши натижасида Узбекистоннинг чегарадош ҳудудига бир нечта снаряд келиб тушди ва тўрт нафар фуқаро жароҳатланди.

Узбекистон чегара қўшинлари республика Мудофаа вазирлиги кучлари ҳамда маҳаллий ҳокимият билан биргаликда чегарани мустаҳкамлаш, Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрмоқда.

Сунгги кунларда Узбекистон чегарасига бевосита яқин жойда содир бўлган воқеалар Узбекистон раҳбариятининг республикамиз ҳудудини кейинги пайтда натижасини билиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва бир-бирига душман кучларнинг жанговар тўқнашувлари бўлиб турган Афғонистоннинг шимолий қисми билан боғловчи Амударё кўпригини ёпиб қўйиш тўғрисида илгари қабул қилган қарори тўғрилигини тасдиқлайди. Биз кўприкни ёпиб қўйиш билан ўз ҳудудимиз хавфсизлигини таъминлабгина қолмай, айни пайтда Узбекистон Республикасининг Афғонистон шимолий ҳудудларидаги қарама-қаршиликка бетарафлиги ва аралашмаслигини ҳам намойиш этдик.

Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шуни таъкидлайдики, Афғонистонда юз бераётган барча воқеалар фақатгина шу мамлакатнинг ички ишидир.

Узбекистоннинг Афғонистон можаросини бартараф этиш борасида тутган йўли узгармай қолаверади ва бу йўл қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Афғонистоннинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш.

Иккинчидан, можарони ҳал этишнинг ҳарбий усулларидан воз кечиш.

Учинчидан, ички ишларга ташқаридан аралашишни тўхтатиш.

Тўртинчидан, можаро зонасига қуролярог етказиб беришни қатъий тақиқлаб қўйиш.

Бешинчидан, можарога жалб этилган барча асосий кучларнинг кенг вакиллар негизида коалицион ҳукумат тузиш мақсадида босқичма-босқич амалга оширилаётган тинчлик жараёнида иштирок этиши.

Олтинчидан, БМТ ҳомийлиги ва Ислом конференцияси ташкилоти иштирокида тинч музокаралар жараёнини ўтказиш.

Шу мақсадда Афғонистон билан бевосита чегарадош мамлакатлар, АҚШ ва Россия вакиллари ҳамда Афғонистондаги бирбирига қарши курашаётган кучларнинг вакилларидан иборат «Мулоқот гуруҳи» тузиш.

Узбекистон Республикаси бир-бирига қарши курашаётган томонларни ўзларининг яхши ниятларини намоён этиб, Афғонистон давлатини сақлаб қолиш, Афғонистон халқининг фаровонлиги ва равнақини ўйлаб, мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатиш мақсадида биродаркушлик урушига хотима беришга даъват этади.

Тошкент, 1997 йил, 22 сентябрь.

Qadriyatlarimiz

ОТА ТАРБИЯТИ

Чет элда чоп этилган журналда қизиқ бир тадқиқотни ўқидим. Голландиялик социолог-психологлар дунёнинг турли қитъаларида яшовчи II та мамлакатдаги минг-минглаб оталарга «Болангиз тарбияси билан қанча вақт шуғулланасиз?» деган савол билан мурожаат қилишибди. Голландлар ўз тадқиқотлари натижасидан сал ажабланишибдиям. Энг сўнгги ўриндаги гонконглик оталар бола тарбияси билан 6 минут шуғулланишаркан. Голландлар — 12 дақиқа, испанлар — 18, америкаликлар — 42 минут, финлар — 48 минут, хитойликлар — 50 минутча фарзанди билан тарбиявий ишларни олиб боришаркан.

Кўриб турибсиз, хитойлик оталар «энг яхши оталар».

Ҳақиқатда эса ҳатто хитойликларнинг ҳам боласи учун ажратган 50 минутлик вақти етадими? Шу тадқиқот балки узимизда ўтказилса, хитойликлардан ҳам ўтармидик? Балки гонгконглик оталардан ҳам пастроқдадирмиз? Гап унда эмас. Лекин ота тарбиясига, умуман, бошқачароқ нуқтаи назардан қараб фикрлаш тўғрироқ бўлармиди деб ўйлайман.

Ота маънавияти, отанинг болага шахсий ибрати.

Тадқиқотни ўқигач, шу ҳақда ўйланиб қолдим. «Отангиздан нимани ўргандингиз», «Отангиз сизга нимани ўргатган» демаганимнинг боиси бор. Айнан шу ҳақда гапирмоқчиман.

Европа ва шарқ фалсафаси бола тарбияси бобида маълум маънода бир-бирига ўхшамаслиги ҳаммага аён. Баъзи ўринларда зид бўлиши ҳам мумкин. Европада

(Давоми 4-бетда).

Shukrona

АЖДОДЛАР РУҲИНИ ШОД АЙЛАМОҚ ҚАРЗ

Баҳор чоғи, боғ томон қадам ранжида қилиб, уни томоша қилсангиз,беихтиёр ловиллаб турган атиргулларга кўзингиз тушиши мумкин. У албатта сизни ўзига ром этади. ТошДУ ҳам худди шу боққа ўхшаган билим даргоҳларидан бири. Журналистика факультети эса шу даргоҳнинг атиргули десам муболаға бўлмайди. Бу даргоҳда ўқишнинг ўзи катта бахт эканлигини ўқувчилик йилларимдаёк сезганман. Аллоҳга шукроналар бўлсинким, ушбу муқаддас даргоҳнинг толибаси деган номга мушарраф бўлдим. Устозларим «талабалар», деб мурожаат этишса менинг танимда титроқ уйғонади. Чунки мен ҳам шу талабалар ичида борлигимдан ҳаяжонга тушаман. Мен бу муқаддас илм даргоҳига ўқиш, ўрганиш учун келдим.

Бугунги кунда журналистлик касбининг салоҳияти ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ва улар зиммасига юкланган вазифалар биз талабаларни ҳам сергак қилмоқда. Мен биринчи маротаба ТошДУ остонасига қадам қўярканман, бу остонага қўйилган қадамлар сонини хаёлан чамалаб чиқдим. Уларнинг саноғига етиш қийин. Аммо халқимизнинг севимли фарзандига айланиб кетган А. Орипов, Э. Воҳидов, У. Ҳошимов каби шоир ва ёзувчиларимизни эслашнинг ўзи кифоя. Мен шундай муқаддас даргоҳнинг талабаси бўлганимдан фахрланаман. Тест синовларидан ўтолмай кетган тенгдошларимга айтмоқчиманки, ҳеч қачон умидсизланмаслик керак. Агарда бизда билим бўлса ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишимиз мумкин. Чунки ҳозирги даврда мустақиллик шарофати билан ёшлар учун катта имкониятлар яратиб берилди. Бу имкониятни қўлдан бермаслик лозим. Сиз ўқиб-ўргансангиз, изланишда бўлсангиз, ҳар қандай билим даргоҳининг талабаси бўлишингиз мумкин. Билим даргоҳига фақат таниш-билиш билан кириш мумкин деган фикрларни кескин рад этаман. Чунки давлат томонидан чиқарилган қонунга асосан контракт ҳисоби бўйича кирувчи талабалардан алоҳида тест синовлари олинди. Ва бу бюджет ҳисобидан кирувчи талабаларга ҳеч қандай зарари тегмади. Мен бу нарсаларни ўз тажрибамда синаб кўрдим. Бизга шундай шароитларни яратиб берган ҳукуматимиз раҳбарларига, Давлат тест маркази ходимларига, мени ўқитиб талабалар сафига қўшган муаллимларимга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Шоира ТЎХТАБОЕВА, ТошДУ 1-курс талабаси.

MMM ХАБАРЛАРИ

ҲАМЖИҲАТЛИК

Куни кеча Қўшма Европа «Тарих» лойиҳаси Эксетер Университети (Англия), Ренн-П Университети (Франция), Фредериксберг Семинарияси (Дания) ва Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг тарих факультети (Ўзбекистон) иштирокида «Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа» мавзуидаги иккинчи халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда ўндан ортиқ дунё тан олган тарихчи олимлар иштирок этди. Тошкентда бошланган халқаро илмий анжуман соҳибқирон Амир Темур туғилиб ўсган юрт — Шаҳрисабзда ўз ниҳоясига етди.

Норали ОЧИЛОВ.

KURSDA YANGI YOZUV

Shumanay tumani xalq ta'limi bo'limiga qarashli 1-maktab huzurida lotin yozuvini o'rganuvchilar uchun yarim oylik qisqa muddatli kurs faoliyat ko'rsatmoqda. Mohir ziyokorlar S. Abdullayev, G. Jabborberganov va boshqalar ushbu kurs mashq'ulotlarida tumandagi korxona, idora va tashkilot xodimlariga yangi imloni o'rgatmoqdalar.

G'oyib YOQUBOV.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ МАРТА

Яқинда Термиз шаҳридаги 6-лицей-интернатда вилоятда биринчи марта физика, математика, химия, биология, она тили ва адабиёт, хорижий тиллар, тарих, ҳуқуқшунослик фанлари чуқур ўрганиладиган лицейлар муаллимлари бешта шўъбага бўлинишиб, дарслик, ўқитиш усуллари, ўқувчиларни кўп баллик тест-рейтинг тизимида баҳолаш сингари мавзуларда ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, директор ўринбосарлари икки шўъбада билим масканини бошқариш хусусида баҳслашдилар.

Н. ТЎРАЕВ.

Yangi alifboni o'rganaylik

ТЎҒРИ ЁЗАЙЛИК

Янги ўқув йилидан эътиборан нафақат умумтаълим мактабларимизнинг биринчи, иккинчи ва учинчи синфларида, балки олий ва ўрта педагогика ўқув юртларида, шунингдек, имконият даражасида техника олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам янги ўзбек алифбосидан машғулотлар бошлаб юборилди. Талайгина муассасалар, ташкилотлар, идоралар ва корхоналарда ҳам лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этишга диққат-эътибор берилаётганлиги таҳсинга лойиқ. Бироқ буларни етук мутахассисларга кўрсатиб (текшириб) олинмаганлиги оқибатида айрим имловий хатоликлар, чалкашликлар содир бўлмоқда.

Республикамизнинг қарийб барча вилоятларида, шаҳар ва туманларида хизмат сафари юзасидан бўлганимизда янги ўзбек ёзувларида аксарият ҳолларда қуйидаги хатолар учрамоқда:

Хато ёзилган		Тўғриси
MAXALLA	(маҳалла)	MAHALLA
LICEY	(лицей)	LITSEY
MUKHTOR	(Мухтор)	MUXTOR
KHUROLLI	(қуролли)	QUROLLI
SOXBEKAT	(шоҳбекат)	SHOHBEKAT
KONSTITUCIYA	(конституция)	KONSTITUTSIYA
SHO'CHASI (KŌGASI)	(кўчаси)	KO'CHASI
TOŞKENT	(Тошкент)	TOSHKENT
QOŞIDAGI	(қошидаги)	QOSHIDAGI
MILISIYA	(милиция)	MILITSIYA
ŞAXRI	(шаҳри)	SHAHRI
HUSH	(хуш)	XUSH
ATEL'ESI	(ателъеси)	ATELYESI
LAILO	(Лайло)	LAYLO
AKTSIYA	(акция)	AKSIYA
TAXI	(такси)	TAKSI
TELEVIDENIESI	(телевидениеси)	TELEVIDENIYESI

Суннатулла РИЗАЕВ,
ЎзПФИТИ «Она тили таълими» бўлими мудири.

ИМКОНИЯТ БОР, ҲАРАКАТ ЗАРУР

(Боши 1-бетда).

Ўқувчиларга 12 йиллик умумий ва ўрта махсус таълим бериш давлат томонидан кафолатланади. Ёшларнинг билим олишлари ва ҳунар ўрганишларидан ташқари, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя қилиниши таъминланади.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурига асосан 2005 йилгача 9-синф битирувчиларининг 70 фоизини ҳунар таълими билан қамраб олиш кўзда тутилган. Дастурни амалга оширишни биринчи босқичида мавжуд мактабларо ўқув -ишлаб чиқариш комбинатларини аттестация ва аккредитация қилингандан кейин касб-ҳунар таълими ўқув юртларига айлантириш, қурилиши тамомланмаган ҳунар таълими ўқув юртларининг қурилишини тугатиш ва ҳар бир ҳудуднинг демографик ҳолатини аниқлаш, умумтаълим мактабларининг жойлашишини эътиборга олган ҳолда уларнинг айримларини ҳунар мактабларига айлантириш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги кунда вазирликка қарашли ҳунар мактабларида 221 ўқувчи ўқитилаётган бўлса 2005 йилда эса ўқувчиларнинг сони 1млн. 290 минг нафардан ортади. Дастурни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири ўқиш мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларга бозор шароити учун зарур бўлган 2-3 та қўшимча жаҳон стандартларига тўғри келадиган касб бериб, уларни мустақил фикр юритадиган мутахассислар этиб тайёрлашдир.

Ҳунар ўқув муассасаларида талаб даражасида касб ўргатиш мақсадида ҳозирдан бошлаб ишчи гуруҳлар ташкил этилиб янги ўқув дарслик ва қўлланмалар ҳамда йўналишлар бўйича ўқув режа-дастурлари ишлаб чиқиш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур. Йўлбошимиз айтгандек, янгидан ташкил этилаётган 3 йиллик махсус билим юртларининг 1,2,3-курсларида нималар ва қандай ихтисослар ўқитилади, маҳаллий ва замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб талабаларга қандай касб-ҳунарлар берилади деган қатор масалаларни ҳал қилишимиз зарур.

Ишлаб чиқилаётган касблар бўйича таълим стандартларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш асосий вазифалардан бири деб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ҳунар таълими илмий тадқиқот институти 29 касб бўйича таълим стандартларини ишлаб чиқди. Булар қаторида: фермер-ўсимликшунос, фермер-чорвадор, фермер-асаларичи, электргаз-пайвандчи, ошпаз-қандолатчи-нонвой, электротехника маҳсулотлари йиғувчиси, қурилиш ишлари пардозловчи устаси, сабзавотчилик-боғдорчилик устаси...

Ҳунар таълими ўқув муассасаларида юқори малакали кенг ихтисосли мутахассислар учун таълим стандарти лойиҳасини ишлаб чиқаришни тезлаштириш, уларни тажрибадан ўтказиш ва тасдиқлашни амалга ошириш мақсадида, ҳунар ўқув юртларида ишлаб турган ўқув-тарбиявий жараёнини мукаммал биладиган тажрибали методист ва ўқитувчилари кўпроқ жалб этилишлари керак.

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» асосида биринчи босқич даврида таълим стандартларини тўлиқ жорий этиш кўзда тутилган. Таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш ишларини жадаллаштириш ва белгиланган муддатда жорий этиш мақсадида Андижон шаҳрида «Ҳунар таълими стандартларининг ўқув-методик таъминоти муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилмоқда. Бу конференцияга Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва бошқа давлатлардан йирик олимлар ва мутахассислар қатнашишга ва шу йўналиш бўйича тажрибалари билан алмашишга истак билдиришди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да кўрсатилган долзарб масалалардан бири инженер-педагог кадрларга замонавий билим бериш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишдир.

Ҳозирги кунда ҳунар ўқув муассасаларимизда 20 мингдан ортиқ инженер-педагоглар фаолият кўрсатишмоқда, лекин 70 фоиздан ортиқ ишлаб чиқариш таълими усталари олий махсус муҳандис-педагог маълумотга эга эмас. Бу муаммони ечиш учун техника олий ўқув юртларида муҳандис-педагог тайёрлайдиган факультетларни очиш ва бугунги кунда техника олий ўқув юртларида таълим олаётган педагогик маҳорати бўлган талабалардан махсус гуруҳлар ташкил этиб уларга психология ва педагогика асосларини ўргатган ҳолда касб-ҳунар ўқув юртлари (коллежлар) учун муҳандис-педагог ходимлар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган.

Бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича 9-синфни битирган ўқувчиларнинг 70 фоизи ҳунар таълими билан қамраб олинган ҳолатда 80 мингга яқин инженер-педагоглар тайёрлаш керак. Шу жумладан 43 мингги ишлаб чиқариш таълими усталари. Янги таълим стандартлари талаби бўйича ишлаш учун Республика ҳунар таълими ходимларини малака ошириш институти ўқув-режа ва дастурларини қайта кўриб чиқиб, уларга ўзгартиришлар киритиш зарур.

Бозор иқтисоди учун зарур бўлган тадбиркорлик йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш бугунги куннинг асосий талабидир. Бу йўналиш бўйича республикамиз ҳунар лицейлари ва бизнес мактабларида 12 та касб бўйича, жумладан «Коммерция агенти», «Менежер ёрдамчиси», «Фермер ижарачи», «Солиқ ишлари бўйича агент» ва бошқа касблар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Тадбиркорлик йўналишидаги касблар мутахассислар тайёрлашнинг сифатини яхшилаш учун бу касбларни ўқитишда тадбиркорларни жалб этиш мақсадида республикамиз Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан тадбиркорлик йўналишидаги 10 та касбга ўқитиш учун шартнома тузилди ва 1997-1998 ўқув йилидан бу ишлар бошлаб юборилди.

Бироқ республикада «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга ошириш учун ҳунар таълими соҳаси олдида ҳам ҳамон талай вазифалар кутиб турибди. Хусусан ҳунар таълимининг ривожланишини илмий асосланган истиқболини ишлаб чиқиш ва қўллаш, ишчи ходимлар тайёрлаш самарадорлигини баҳолаш усуллари ва мезонларини аниқлаш, янги педагогик ва ахборот технологияларни ишлаб чиқиш, барча йўналишлар бўйича ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқиш каби масъулиятли муаммоларни тезроқ ҳал этиш зарур. Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли.

Ўткир РАУФОВ,
Ўзбекистон ХТВ Ҳунар-техника таълими бош бошқармаси бошлиғи.

O'zbekiston — Qozoq'iston

ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

Қардош Қозоғистон Республикасида Турбат деган қадимий қишлоқ бор. Туркий ва исломий маданият бешикларидан ҳисобланмиш кичик бу қишлоқ аҳолисини асосан ўзбеклар ташкил қилади. Қишлоқ аслида кичик бўлса ҳам уни дунё маданиятига катта шаҳарлар каби ўз ҳиссасини қўшган деб бемалол айта оламиз.

Турбат қишлоғида Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан Иброҳим ота, Исмоил ота ва Исҳоқ оталар яшаб ўтишган. Бу улуғ инсонлар ҳақида Алишер Навоий ҳазратлари ҳам яхши фикрларни ёзиб қолдирганлар. Улуғ ўзбек мумтоз шоири Атойи ҳам Исмоил ота фарзандлари ҳисобланадилар. Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла, Тошкент қурилиш лицейнинг директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Озод Акбаров, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлиги халқ таълими бўлимининг мудири Ислом Зокиров, 5-ҳунар билим юрти директори Қудрат Турсуновлар ҳам шу қишлоқда туғилиб, вояга етишган. Умуман олганда, Турбат қишлоғи Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг маънавий, илмий салоҳиятига имкон қадар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Қишлоқдаги мактабнинг ўқитувчилари ўз касбларига садоқат билан қараганликлари боис кўплаб ёшлар олий ўқув юртларига кириб ўқимоқдалар. Эргаш Қораев, Соли Калонов, Йўлдош Ибрагимов, Абдурауф Абдурасулов каби устоз муаллимлар гарчи бугунги кунда нафақада бўлишларига қарамай ҳамон эл эъзозидалар. Уларнинг шогирдлари — ёш ўқитувчиларни ҳам қишлоқ аҳли юракдан ҳурмат қиладилар. Яқинда ана шундай ўқитувчилардан Лесбек Дарханбаев ва Умида Қорабоевалар «Қозоғистон халқ таълими аълочиси» фахрий нишонига сазовор бўлдилар. Мен ўз устозларимни бу юксак унвон билан чин қалбдан табриклайман. Икки халқ дўстлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшаётган устозларимга қарата ҳеч маҳал толманг, азиз муаллимлар, дегим келади.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
Ўзбекистон радиоси сиёсий шарҳловчиси.

Tarixning o'qilmagan sahifalari

МУХТОРХОННИНГ МУХТОР ҚИСМАТИ

Ана шундай кишилардан бири Мухторхон ҳам эди. Бу инсон ўта исъёнкор зиёлиларимиз Зоҳирий, Ибодий, Холиқий, Тўрақулий, Олимий, Носирий кабилар кўрсатмалари, топшириқлари асосида, паноҳида иш олиб борарди. У кўпроқ ўзи очган ва таълим бераётган мактаб ўқувчиларини босқинчиларнинг адолатсизликларига ўт очиш руҳида тарбияларди.

— Гапингиз тўғри, — гапга аралашади Абдулла ака ва сўзида давом этади. — Шу 1937 йилнинг январь ойлари бўлса керак, Мухторхон ака турмадан қутилиб келиб, яна мактабда дарс бериб юрган вақт эди. Уни ўша йили март ойида такрор қамоққа олишди. Бунинг сабабини суриштирсам, эмишки, «Мухторхон домла дарсида болаларга «помидор, картошка, карамларни еманглар, булар ўрисни овқати, ҳаром» деган. Булар мусулмонлар учун макру бўлади деган эмиш. Бу айтилганлар ўзбек зиёлиларини йўқотиш учун бир баҳона эди...

Мен Мухторхон домлани ўта зукко, эски ва янги таълимга ўта пеш муаллим сифатида ҳурмат қилардим. Бу одам иккинчи марта ҳам ўша 30-йилдаги «жиноят» материаллари асосида такрор қатағон қилиниб, етти йилга кесилган, Зоҳирий ва Олимий, Раҳматзода ва А. Каримийлар отувга, жами 21 қўқонлик улуғлар ҳукм этилган эди.

Мухторхон ака водийда миллий лицей ва гимназиялар очилишига сабабчи бўлган ташаббускор муаллим, ўткир қаламли журналист эди. Бир нарсани айтиб берсам. Бу даврларда газета-журналларда фаолият кўрсатган журналистлардан қайси бири корректорлик вазифасида ишласа, ўша ходим ҳақиқий журналист, ўта саводхон зиёли ҳисобланарди. Чунки матбуотнинг барча саводхонлик даражаси шу кишиларга боғлиқ эди. Ана шу сабабли ҳам газетани ташкил қилиб қўйган раҳбар Ашурали Зоҳирий кабилар ўзлари корректорлик лавозимида ишлардилар. Мухторхон домла ҳам кўпинча корректорлик қиларди.

Суҳбатимиз авж олди. Савол-жавоблар ихчам ва мухтасар паллага кирди.

— Раҳимжон ота, — саволга тутаман уни айрим ечилмай қолган муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида, — Мухторхон отанинг фарзандлари, оилавий ҳаёти ва жисмоний тузилиши, руҳияти ҳақида, айниқса педагогика ҳам журналистикага қўшган ҳиссаси тўғрисида мухтасар маълумот берсангиз.

Ота саволга виқор билан жавоб қила бошлади:

— Унинг ниҳоятда эслик, босиқ аёли бўларди. У йигитлик даврида гўзал ва салобатли йигит бўлгани учун ўзига мос, латофатли, кўркам қизларни қидириб юрарди. Ҳатто Собира Холдор қизи деган иффатли, гўзал қизга ҳам кўнгил қўйиб юрганини яхши биламан. У Тошкентга кетиб, ундан Москвага ўқишга — Журналистика институтига ўқишга кириб кетганидан сўнг ундан кўнгил узгани эсимда. Ўшандан сўнг ҳалиги юқорида айтганим аёлга 1927 йил баҳорида уйланди. 1928 йилда, адашмасам ёз ойларида ундан ўғил кўрди. Ўғлим обрўли, амалдор бўлсин деб Умархон деган ном берганини шахсан биламан. Мухторхон домланинг уйланиш тўйида ҳам, ўғил кўрганидаги хурсандчилигида ҳам бирга бўлганман. Сўнг Мухторхон ака 30-йилнинг бошида кесилиб кетди. Қамоқдан 35-йилнинг февралида қутулиб келди. Шундан кейин ҳам бир ўғил кўрганини биламан. Бу пайтда мен Фарғонада, ҳозирги университетда математикадан дарс берардим. 37-йилда домламиз Зоҳирийлар билан яна ўша эски айблар тиркалган ҳолда «миллатчи», «Шуро душмани» бўлиб такрор қамалди. Иккинчи қамоқ муддатини тугатиб келиб, Қўқондаги фабрикалардан бирида омбор бошлиғи ва турли оддий ишларда хизмат қилиб юрди. У билан охирги марта Қўқонда 1971 йилнинг ёзида учрашган эдим.

Мухторхон домла 20- ва 30-йилларнинг етук педагоги ва таниқли журналисти, истиқлол курашчиси эди. Унинг «Меҳнат байроғи», «Фарғона» ва «Маориф ва ўқитғувчи» каби нашрда кўплаб мақола ва шеърлари босилиб чиққан ва уларни зўр қизиқиш билан ўқиганим ёдимда.

У киши мактаб таълимида қоида ёдлатишга қарши, ҳар бир мавзунинг моҳиятини ўнга тегишли бўлган предмет, нарса ва ҳодисаларни кўрсатиш, сезгилар билан тасаввур қилдириш орқали очиб бериш услубиятини биринчилардан бўлиб яратган, буни Фарғона маорифчилари орасида тарқатган яратувчи муаллим эди. Унинг дарс ўтишдаги бу услуби эндиги кунда — маориф ислоҳоти кетаётган шу пайтларда қўл келмоқда. Бундан ташқари у мустамлакачилик истибдодига қарши озодлик курашида фаол иштирок этган халқи, ватани учун фидойи инсон эди...

— Бу айтганларингиз ҳаммаси тўғри, — дея изоҳ бера бошлади Абдулла ака. — Унинг иккинчи марта қамалишига асосий сабаблардан бири қилиб, унинг қўлидаги «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган Сталиннинг суратининг оғзидан йиртилиб кетган ҳолдаги бўлаги сабаб бўлган. Бу газетани унинг орқасидан бир неча кунлардан бери изма-из юриб текширишнинг «сир»ли ҳуфясини қидира бошлаган КГБнинг айғоқчиси Али исмли ғаламис бўлган эди. Ўша пайтларда 30-йилнинг бошларида кесилиб, муддатни ўтаб қайтган «миллатчи»лар, «аксилинқилобчи»лар ва «пантуркист»лар ёппасига миллий айғоқчиларнинг кўргазмалари асосида, хоҳ у тўғри бўлсин, хоҳ у нотўғри бўлсин такрор қамоққа олина берилган эди. Уларга қўйилган айблар фақат олдинги «жиноят» ишларининг айнан ўзи бўларди. Хуллас, бир «жиноят» фактлари ҳар бир такрор қамалган маҳбуснинг тақдирида тегирмон тошидек айланаверарди. Негадирки, «халқлар доҳийсининг сурати айнан оғзидан йиртилади? Бунинг сиёсий томони бор. Мухтор буни сезган ва билган ҳолда атайин шундай қилган, оғзидан йиртган» деган «айб»ни юклашади ва шу баҳона билан унга сиёсий айб қўядилар.

Биз учун бу айтилганлар ҳам у қадар тўлақонли фактлар бўла олмади. Биз Мухторхон аканинг авлодларини топиш ва улардан оталари ҳақида маълумотлар йиғиш мақсадида Қўқонга қараб йўл олдик. Шаҳар халқ таълими бўлимининг бошлиғи, маориф жонкуяри Эркин Эргашевга мақсадимизни айтдик: «Қатағонликнинг бир эмас, икки марта хипчинини еб, бутун соғлиғидан ажраб, яқиндагина — 1973 йилнинг 1 декабрида вафот этган Мухторхон аканинг авлодларини топиб берсангиз ва шу улуғ одам ҳақида янги маълумотлар йиғишга кўмаклашсангиз», дедим.

Эркинжон суровимизга амалий жавоб қилдилар.

Иттифоқо, йўлланма тақозосига кўра вақт тиғизлиги боис Мухторхон аканинг фарзандларини топиш ва улар билан шахсан учрашиш бахтига муяссар бўла олмадик...

Орадан кўп ўтмади. 28 май куни Эркинжондан хат келди. Хатнинг ичида Мухторхон домланинг авлоду аждодлари, фарзандлари ва сулолалари, отанинг шахсиятлари хусусида мухтасар фикрлар баён этилибди.

Шу хатдан баъзи муҳим томонларидан келтирамиз: «Отамиз Мухторхон Муҳаммадий 1899 йилда туғилганлар... Икки марта «аксилинқилобчи» сифатида қамалиб келганлар... Отамиздан олти фарзанд қолганмиз: 1928 йилда туғилган Умархон — Самарқанд медицина институтини битирган шифокор, Мухторов Юсуфхон 1936 йилда туғилган. У — савдо ходими. 1944 йилда туғилган Муҳаммадиев Тоҳиржон, 1947 йилда туғилган Жаҳонгирхон — муаллим, Мухторова Латофатхон, 1951 йилда туғилган, 26-ўрта мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, Мансурхон 1953 йилда туғилган, савдо ходими...

Отамиз атоқли педагог ва журналистлар Ашурали Зоҳирий, Абдулла Каримов, Лутфулла Олимий, Абдулла Раҳматзода кабилар билан дўст ва биродар эдилар. Биз отамиз оқлангунга қадар, 1956 йилгача «миллатчининг болалари» сифатида бош кўтаролмай келдик. Мана истиқлол туфайли кўкрагимизга офтоб тегди. Минг афсуски, отамиз истиқлол нашидасидан баҳраманд бўлмади».

Илова

Суровлар, суриштиришлар давом этади. Мухторхон аканинг муаллимлик ва журналистик қирраларини пухтароқ ўрганишнинг ўзигина эмас, шунингдек, унинг йирик ва атоқли ёзувчилар билан бўлган дўстлиги ва биродарлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам кўзга ташлана борди.

1996 йилнинг 4 ноябрида Тошкент шаҳрининг «Нуронийлар оромгоҳи»да Тошкент Давлат университети доценти Фатхиддин Насриддинов билан бўлган суҳбатимиз жараёнида Фатхиддин ака бизга айни муддао бўлган Мухторхон аканинг инсонийлик фазилатлари ҳақида тўлиб-тўлиб сўзлай кетди:

— Мен Мухтор акани 1964 йилнинг август ойларидан яхши билардим. Бу инсон Қўқон адабий муҳитини, шахсан педагогик ҳаётини жуда яхши билувчи илм соҳиби эдилар. Менинг номзодлик диссертациям мавзуси — «Абдулла Қодирий услубиятининг баъзи хусусиятлари» эди. Мавзуни кенгроқ ёритиш учун ёзувчининг яқин дўсти ва сирдоши Мухторхон Муҳаммадий билан учрашишга тўғри келди. Шу муносабат билан у киши билан учрашиш шарафига муяссар бўлганман. Суҳбатимиз давомида Мухторхон ака Абдулла Қодирий билан 20-йилларнинг ўрталаридан дўст бўлганлиги маълум бўлди. Ҳар икки дўст борди-келди қилишган. «Ўтган кунлар»ни ёзиш учун ҳатто Марғилонга ҳам кўп марта бирга боришган экан. Охирги учрашувлари 1936 йили ёз ойларида бўлган экан. Бу учрашув Қўқонда кечган. Бу ерга Абдулла Қодирий Мухторхон ака хонадонига атайлаб келган эканлар. Бунинг энг муҳим ва махфий сири бўлиб, бу «сир» ёзувчининг «оғзи маҳкам», ҳеч кимни сотмайдиган, ишончли дўсти — Мухторхон учунгина айтилиши лозим бўлган жумбоқ эди. Бу жумбоқ А. Қодирий томонидан ёзиб тугатилган янги роман — «Бизнинг кунлар»нинг тақдири масаласи бўлган. Ёзувчи дўстига айтганки: «Романни ёзиб тугатганлигимни сотишган. Буни бир-икки кун ичида қидиришмоқчи эмиш. Шу сабабли буни сизга олиб келдим. Қўлёзма ҳолида. Ўқиб чиқинг. Иложи бўлса йўқотиб юборинг. Акс ҳолда такрор ҳибсга тушиб қолманг», деган эканлар. Романни тўла ўқиб чиққанман. Унинг асосий ғояси — янги тузумда ҳам ўтган кунлардан қолишмайдиган ҳаёт тарзи ифода этилган экан. Мен асарни тандирга тиқиб ёқиб юборганман. Энди афсусдаман», деган гаплари ҳозир ҳам қулоғим тагида жаранглаб туради...

Мухторхон Муҳаммадиевнинг қисмати, тақдири ҳақидаги таҳлил ва талқинларимизга нуқта қўяр эканмиз, Қўқон педагогик ва маданий муҳитида катта-катта тадқиқотлар олиб бориш ва буларнинг натижаларини элимизга ошкор қилинадиган юзлаб алломаларимиз фаолиятларини ўрганиш ва тиклаш даври келганлигидан ижодкорлик билан фойдаланмоғимиз, истиқлол мафкурасининг шу кундаги талабидир, деган умиддамиз. Зеро, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг VI сессиясида сузлаган нутқида ҳақли кўрсатган қуйидаги: «Бугунги кунда яқин тарихимиз XIX аср охири ва XX аср бошида, 20-30-йилларда яшаб ўтган, бироқ ҳақсиз равишда унутиб юборилган, мустамлакачи мафкуралашган ва тоталитар тузум шароитида туҳматга учраб, йўқ қилинган ўзбек халқи фарзандларининг шарафли номларини тиклашга катта эътибор берилмоқда», деган муътабар сўзлари амалий жиҳатдан янада кучга кирса, халқимиз шод бўлур, бахтимиз учун курашганларнинг пок руҳлари обод бўлур эди.

Исломжон ТУРСУНОВ,
Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари докторлари.

СУРАТДА: Мухторхон Муҳаммадий (тик турганлар қаторида ўнгдан биринчи) Муҳаммаджон Холиқий, Ашурали Зоҳирий, Қори Ниёзий ва бошқа зиёлилар билан.

Mukofot sohiblari

МЕҲНАТДАН МАМНУН МУАЛЛИМ

Сиз, эртага халқ таълими бўлимининг услубиёт хонасига етиб боринг! Туман ўқувчиларининг география ва биология фанлари бўйича фан олимпиадаларига тайёргарлик хусусида маслаҳат бўларкан». Мактаб директорининг топшириғига кўра Турдиқул Баратов эрта билан Китоб тумани халқ таълими бўлимига етиб келди. Бироқ у росаям эрта келган экан, шекилли, ҳали идорага ҳеч ким келмабди.

Бироз фурсат ўтган ҳам эдики, туман халқ таълими бўлими мудири Орзимурод Маманисаев келиб қолди. Турдиқул салом берди.

— Ваалайкум ассалом! «Бўрини йўқласа қулоғи кўринади» деганлари ҳақ гап экан. Бугун уйдан чиқишимдаёқ сизни топиб, қўлингизни сиқиб қўйишни ният қилган эдим. Табриклайман, Турдиқул! Бу йўл-йўлакай табрик. Насиб бўлса, алоҳида табрик маросими ўтказамиз. Раҳмат, қайрат қилинг!

Турдиқул Баратовнинг ҳали ҳеч нарсадан хабарсизлигини сезган Орзимурод қайта таъкидлади:

— Ахир, сизнинг халқ таълими соҳасидаги аъло хизматларингиз юксак баҳоланди. Турдиқул, Юртбошимиз сизни «Шуҳрат» медали билан тақдирлади!

У хурсандчиликдан тамоман гангиб қолганди...

— Раҳмат!.. Ислом акага раҳмат! Сизларгаям раҳмат!.. Устоз бошқа ҳеч нарса деёлмади. Кун бўйи уни кўз кўрган қадрдонлари, таниш-билишлари табриклашди. Ўша куни услубиёт хонасидаги маслаҳат кенгаши ҳам мазмунли ўтди. Турдиқул киритган таклифлар ҳам йиғилганларга маъқул бўлди. У уйига ҳар томонлама мамнун бир кайфиятда қайтди.

Бошқаларни билмадиму, шахсан менинг ўзим Китоб туманининг Охунбобоев жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Абдулла Қодирий номидаги 49-ўрта мактабнинг география ва биология муаллими Турдиқул Баратовнинг озод юртимизнинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланишини китоблик барча фидойи муаллимлар меҳнатига берилган улкан иззат ва қадр-қиммат тимсоли деб тушундим.

Аслида Китоб туманида халқ таълими иши жуда яхши йўлга қўйилган. Абдулла Қодирий номидаги 49-ўрта мактаб эса туман маорифидаги порлаб турган бир юлдуз масканлардан. Турдиқул Баратовга келсак, бу камтарин ва фидойи муаллим кўрсатилган ҳурматга жуда-жуда муносиб. Устоз ўзининг 20 йиллик умрини ўқувчилар орасида ўтказаётир. Ижодкор муаллим шогирдларига илм ўргатишда 45 дақиқалик дарс билан чегараланмайди. У мунтазам равишда тўгарак машғулотларини ўтади, ўқувчиларнинг уй шароитларини ўрганади, ўқувчилари билан тунлари ўз уйида машғулот ўтади.

Натижалар-чи? У Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида олган билимларини ҳаётда, ишда тўғри қўллади, яна ўқиди, яна ўрганди. Билганларини шогирдларига сидқидилдан ўргатди. Шу кунга қадар унинг 14 нафар ўқувчиси география ва биология фанлари бўйича Республика фан олимпиадаларига қатнашиш бахтига мушарраф бўлди.

Доно халқимиз орасида «Ҳаётда ҳар банданинг ўрни бўлсин» деган гап бор. Дарҳақиқат, Турдиқул Баратовнинг бу катта ҳаётда ўз ўрни ва изи бор. Унинг 15 нафар шогирди устоз изидан бориб, география ва биология муаллими касбини эгаллади.

«Халқ маорифи аълочиси», фидойи ва изланувчан муаллим ўзининг қатор услубий мазмундаги мақолалари билан матбуот саҳифаларида бот-бот чиқишлар қилаётир, туман, вилоят ва республика педагоглари ўқишларида ҳар доим фаол қатнашади.

Устоз Турдиқул Баратов ҳали ёш. Унинг белида куч-қувват, дилида орзу-ниятлар мўл. Ҳозир у «Биология дарсларида замонавийлик» деган мавзуда услубий изланиш олиб бораётир.

Биз ўз меҳнатларидан мамнун муаллимни юксак мукофот «Шуҳрат» медали билан самимий муборакбод этиб, келажакдаги ишларида улкан омадлар тилаймиз.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг ўз мухбири.

Ta'kid

ТАЪЛИМ БАРЧАГА БАРОБАР

Кечки мактабларда кўп йиллар давомида олиб борилган таълим-тарбиядаги ютуқлар, илғор тажрибалар, изланишлар газета ва журналларда чоп этиб борилмоқда. Улар амалий ишимизга ёрдам бериши шубҳасиз. Илғорилари кечки мактаблардаги режалар асосида фанлар бўйича ўқув дастурлари, 5—12 синфлар учун айрим фанлардан дарсликлар, методик қўлланмалар тайёрланган эди. Кечки мактабларга янгича талаблар қўйилганлиги, таълимда ҳам, тарбияда ҳам миллий дунёвий билимлар бериш зарурлигини ҳисобга олиб, эски ўқув дастурлари, дарсликлар ўзгарди. Энди олимлар, методист ва ўқитувчилар янги дарсликлар яратишлари зарур. Ҳозирги кунда ўқитувчиларимиз кундузги умумий таълим мактабларининг юқори синфларига мўлжаллаб тузилган ўқув дастурлари ва дарсликларидан кечки мактаб ёки катталар таълими марказларида ҳам фойдаланмоқдалар.

Республикамизда тўққиз йиллик умумий мажбурий таълим жорий қилинди. 9 йиллик маълумоти бор ўқувчилар 10-синфга ёки бирон-бир ўрта ўқув юртида ўқишни давом эттиришади. 9-синфни битириб, бошқа ўқув юртларига йўлланаётганлари ҳам бор. Улар ота-онасига ёрдам бериш, ижарага олинган ерларда деҳқончилик билан, фермаларда мол боқиш ёки бошқа ишлар билан шуғулланадилар. Лекин ҳеч қаерда ўқимайдилар. Келажагимиз учун саводхон, билимли кишилар керак. Шунинг учун кечки мактаблар ёки катталар таълим марказларини кўпайтириш, уларга эътиборни ошириш ҳозирги кунимиз талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1995 йил 4 июль 6/3-рақамли «Янги турдаги катталар таълими марказлари, ҳунар билим юртлари ва мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида» қарор қабул қилди. Президентимиз болаларни мактабга 6 ёшдан қабул қилиб, уларни 12 йил ўқитиш ҳақида ўз фикрини айтди. Юқори синф ўқувчилари ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий ҳолда ўқийдилар, энг иқтидорли болалар олий ўқув юртларида ўқиши учун ёки ўқувчиларнинг истакларига қараб бирон касб-кор бериш — меҳнатга ўргатиш ҳақида мулоҳаза ва таклифлар билдирилаяпти. Катталар таълим маркази худди шундай мактаблардан биридир.

Ҳақиқатан ҳам катталар таълим маркази ўзига хос мактаб бўлиб, ёшларга узлуксиз давлат таълим тизимидаги асосий бўғинлардан бири бўлган умумий ўрта таълим ҳамда меҳнат ва бошланғич касб-кор кўникмаларини берадиган ўрта умумий таълим муассасаси ҳисобланади.

Катталар таълим марказида Низом талабларига асосан педагоглар жамоасининг ички тартиб-қоидалари, жамоа аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари, ўқувчиларнинг тартиб-қоидалари, бурчлари ва вазифаларини ўз ичига олган Устави бўлмоғи зарур. Уставда ҳар бир марказнинг ўз шароити, жамоа ва ўқувчилар имкониятлари ҳисобга олинади.

Катталар таълими асосан кундузги, кечки ва сиртқи ўрта таълимнинг 10, 11, 12-синфларини ташкил қилади. Меҳнат билан банд болаларни кечки мактабларда ўқитиш зарур. Ҳар қандай шароитда ҳам бола ўқиши, билим олиши, маълумотга эга бўлиши шарт.

Кечки мактабларда кўп йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ишлайдилар. Чунки кечки мактабнинг ўзига хос томонлари бор. Эндигина 9-синфни битирган ўқувчилар ёки бир вақтлар ўқишни ташлаб кетган ёши катта кишилар ёки оилалилар ҳам бўлади. Уларни ўқитиш ёки бирон касбга ўргатиш мураккаб. Кечки мактаб ўқувчилари ҳар хил корхона ва ишхоналардан келадилар. Уларнинг дунёқараши, ахлоқу одоблари ҳам бир хил эмас. Ана шундан келиб чиққан ҳолда кечки мактаб педагогик жамоалари ҳар бир ўқувчига индивидуал муносабат билан ёндашишларига тўғри келади.

Ҳикматулла АБДУЛЛАЕВ,
Низомий номидаги ТДПИ педагогик маҳорат кафедрасининг доценти, педагогика фанлари номзоди.

Maktablar hayotidan

СИЗ ҲАМ ҲАВАС ҚИЛИНГ УЛАРГА

Одатда, янги ўқув йили бошланиши билан мактабларда ота-оналар мажлиси бўлиб ўтади. Бироқ Тошкентдаги 273-мактаб-лицейда бундай анъанавий йиғилишларнинг қандай ўтказилиши менга аён. Боиси ўтган ўқув йилида ўғлимнинг синф мажлисида қатнашиб, катта таассурот билан қайтгандим. Ўшанда очиги «Умумий мажлис бўлса, роса чўзилса керак. Унинг устига синф раҳбари билан ҳам бафуржа суҳбатлашишга имкон бўлмайди. Бекор вақтим кетадими», деган хаёлга бордим.

Мактаб фойесида юқори синф ўқитувчилари, директор, директор ўринбосарини кўриб аввалига ҳайрон бўлдим. Мажлисга келган ҳар бир ота-она шу ерда синф раҳбари, турли фан ўқитувчилари билан фарзандлари иштирокида бемалол суҳбатлашарди. Мен ҳам ўғлимнинг синф раҳбари, айрим ўқитувчилар билан гаплашдим. Аммо ҳеч бир ота-она кетишга шошилмасди. Шу пайт мактаб директори Мавлуда Исматова ота-оналарни залга таклиф этди.

Залга кириб, атрофга разм солдим. Шинамгина залда байрамона руҳ сезилиб турибди.

Ҳамма жойлашгач, яна Мавлуда опанинг овози жаранглади:

— Азиз ота-оналар! Хуш келибсизлар! Мана ҳозир ўқитувчилар билан учрашиб, фарзандларингизнинг одоб-ахлоқи, дарсларни ўзлаштиришлари ҳақида суҳбатлашиб олдингиз. Энди мажлисимизнинг иккинчи қисмини бошлаймиз. Биз уни «Маънавият — қалб кўзгуси» деб номладик.

Театрлаштирилган кичик томошалар. Уни чиройли рақслару мумтоз куй-қўшиқлар бир-бири билан узвий боғлайди. Ибрат олса арзигулик, теран мазмунли бу томошалар ҳар бир инсон қалбига эзгулик нурларини олиб кирса ажаб эмас. Аждодларимиз ҳаёти, ижоди, инсонларга кўрсатган меҳр-оқибати ёшларга маънавиятдан сабоқ беради. Буюк боболаримизнинг маънавияти, маданияти, маърифати ҳам буюк бўлганлигидан, ҳар қанча ўрнак олсак, фахрлансак, шунга арзигулик эканлигини дилдан ҳис қиласиз. Бугун мажлисга отланар эканман, назаримда бу тадбир кечагина бўлиб ўтгандек туюлди.

Ҳойнаҳой, янги ўқув йили янги ташаббус, янги режалар билан бошлангандир, деб ўйлагандим. Янглишмабман. Ахир қисқа вақт ичида озмунча янгиликлар рўй бердими? Энг сўнгги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўлди.

— Сессия материаллари, унда баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори эканлиги ҳақида нутқ сўзлаган Президентимиз маърузалари билан танишиб бошлаган ишимиз тўғрилигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик, — дейди билим маскани раҳбари Мавлуда опа Исматова. — Мактаб қошида ўқитувчилар учун алоҳида, ўқувчилар учун алоҳида хорижий тилларни ўрганиш уюшмаси тузилди. Мақсад — жаҳон талабларига мос кадрлар тайёрлаш. Уюшма аъзолари лаёқатли ўқитувчи ҳамда ўқувчиларга инглиз тилини мукаммал ўргатадилар. Дарсларни Жаҳон тиллари университетининг етук, олий тоифадаги муаллимлари олиб борадилар. Тиббиётга ихтисослаштирилган синфларда химия фанидан имтиҳонлар инглиз тилида топширилади. Иқтисодиётга ихтисослашган синфларда эса жаҳондаги энг ривожланган давлатлар иқтисодиёти кенг ўрганилади. Ниятимиз мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиётини жаҳон талабларига тенглаштиришдир.

Хорижий тилларни ўрганиш уюшмасининг ташкил этилиши ҳақиқатан ҳам намуна бўларли, ибратли ташаббус. Уни ҳар қанча оммалаштирса арзийди, деб ўйлайман.

Мавлуда опани яна суҳбатга тортаман.

— Мактаб ҳақида бироз тўхталсангиз.

— Уч йил аввал билим масканимиз мактаб-лицей мақомини олди. 1500 га яқин ўқувчига юз нафардан ортиқ ўқитувчи билим беради. Мактабимиз тиббиёт, техника, иқтисод, педагогика йўналиши бўйича ўқувчиларни олий ўқув юртига тайёрлайди. Шу туфайли 30 дан ортиқ педагогимиз олий ўқув юрти ўқитувчиларидир.

— Қайси олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш олиб борасизлар?

— Ўқувчилар юқори синфларга ўтишгач, ҳозир санаб ўтган йўналишлар бўйича узлари танлаган соҳа негизида чуқур билим оладилар. Тиббиёт йўналишида Тошкент давлат тиббиёт, педиатрия ҳамда фармацевтика олийгоҳларига тайёрланадилар. Шунингдек, Тошкент давлат педагогика институти, жаҳон тиллари, Тошкент автомобиль йўллари, молия институтларига ҳам киришлари мумкин. Шу туфайли мазкур билим масканларининг ўқитувчилари бизда чуқурлаштирилган махсус дастур асосида дарс ўтишади. Шуни фахр билан айта оламанки, ўтган йили мактабимизни битирган ўқувчиларимизнинг 98 фоизи олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди.

Бундан ташқари биз шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманидаги 25-техника машинасозлиги лицейи билан ҳам ҳамкорлик қиламиз. 9-синф ўқувчилари мактабда ўқиш билан бирга ушбу лицейда амалий машғулотлар олиб борадилар. 9-синфни битиргач, уларга авточилангар мутахассислиги бўйича гувоҳнома берилади. Худди шунингдек, қизларимизга тикувчилик ҳунари ўргатилиб, улар ҳам шу сингари гувоҳнома оладилар.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида Президентимиз «Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак», деб уқтирди. Шу маънода...

— Фикрингизга тушундим. Жамоамиздаги ўқитувчилар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўз соҳасининг билимдони, жонкуяр, фидойи, талабчан ўқитувчилар... Улар орасида бир неча фан номзодлари, фан докторлари бор. 70 дан ортиқ ўқитувчимиз олий тоифали. Ўнлаб ўқитувчиларимиз халқ таълими аълочиси ҳамда фидойиси нишонларига сазовор бўлишган. Уларни том маънода халқ таълими фидойилари дегим келади. Бундай устозларнинг бераётган чуқур билимлари туфайли ўқувчиларимиз турли фанлардан республика ҳамда шаҳар миқёсида ўтказилган олимпиадаларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Мен Мавлуда опа билан узоқ суҳбатлашдим. Мактаб ўқитувчиларининг 60 фоизи опанинг ўзлари ўқитган шогирдлари экан. Улар орасида оддий муҳандисдан тортиб фан докторигача учратиш мумкин.

Шундай раҳбари бор мактабни, жамоани омадли дегим келди. Боиси, опа худди ўз оиласи ҳақида сўзлаётган онага ўхшайди. У ўзи ҳақида бир оғиз гап ҳам айтмади, унинг фикри-хаёли фақат жамоада, билим масканида. Ваҳоланки, Мавлуда Исматованинг ўзи Тошкент шаҳар Кенгаши ноиби, шаҳар Хотин-қизлар кенгаши маънавият бўлими аъзоси, халқ маорифи аълочиси, ижодкор-ўқитувчиларнинг 1992 йилги голиби эканини кейин билдим. Бундай фидойи муаллимлар билан ҳар қанча фахрлансак ҳам оз.

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: Мавлуда опа Исматова ўқитувчилар билан суҳбатлашмоқда.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

БМТнинг 52-Бош ассамблеясини очиб берган ташкилот Бош котиби Кофи Аннан аъзо давлатларни кенг ислоҳотларни маъқуллашга чақирди. Жаноб Аннаннинг айтишича, ислоҳотлар ташкилотга устивор масалаларга кўпроқ эътибор ажратишга имкон беради. Бош котибнинг айтишича, маъмурий харажатларнинг тараққиёт соҳасига йўналтирилиши шу йил охирига қадар амалга оширилади. Бош котиб ташкилотга қарздор давлатларни ўз мажбуриятларини бажаришга чақирган. АҚШ Президенти Клинтон ушбу ислоҳотларни маъқуллар экан, Вашингтоннинг ташкилотга қарзини тўланиши устивор масалага айланажагини таъкидлаган.

* * *

Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси коррупцияга қарши курашнинг энг янги чоралари ҳақида эълон қилдилар. Бу ҳақдаги баёнот Гонгконгда маълум этилди. Эртага эса бу ерда ушбу халқаро молия ташкилотларининг йиллик йиғилиши бошланади. Баёнотда таъкидланишича, бундан бўён бирорта мамлакатга қарз беришда ундаги бошқарув ва коррупция эътиборга олинади.

* * *

Москвага ташриф буюрган АҚШ вице-президенти Алберть Гор «Ис Атлантис» фазо кемасининг «Мир» станцияси билан туташиши вақтинча қолдирилиши эҳтимолини маълум этди. Аввалроқ «Мир» станциясининг компьютер тизими яна бир бор ишдан чиққан эди. Фазогирлар ушбу бузилишни аниқлаб, уни тузатганликларини таъкидламоқдалар, лекин жаноб Алберть Горнинг айтишича, Америка мутахассислари вазиятни яқиндан ўрганмоқдалар. «Ис Атлантис»нинг шу ҳафта «Мир» станциясига муҳим компьютер ускуналарини етказиши кутилган эди.

Ушбу парвознинг бекор қилиниши АҚШнинг «Мир» станцияси фаолиятидаги иштироки якунланганидан далолат бериши мумкин.

«Би-би-си».

ИХЧАМ ВА СЕРФАЙЗ МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИ...

БИЗНИНГ МЕБЕЛЛАРИМИЗ ИШХОНА ВА ХОНАДОНИНГИЗГА БИР ЗУМДА НАФОСАТ БАХШ ЭТАДИ. У ХОРИЖИЙ ДИЗАЙН ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛА МОСДИР. АГАР СИЗ БИЗДАН МАЪЖУД МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИНИ ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ, ЎЗ ТИЖОРАТЛАРИМИЗГА АТАЛГАН САВДО СОЛИҒИСИЗ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН СИЙЛОВДАН БАҲРАМАНД БЎЛАСИЗ.



ФАННИНГ ИККИ НОМЗОДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, археология ва этнография институтининг ихтисослашган илмий кенгашида Жалғаш Айтмуротов ҳамда Турғонбой Мадримовлар тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқладилар. Бу икки ёш олимнинг бири Қорақалпоғистоннинг маданият тарихи мавзусига (1970-1990 йиллар) қўл урган бўлса, иккинчиси ўз илмий ишини Қорақалпоғистондаги радиотелеэшиттиришлар тарихини ўрганишга бағишлади.

Академик С.Камолов, фан докторлари Б.Шомамбетов, У. Алсуов, фан номзодлари И.Қусимбетов ва П.Муротовалар ҳар иккала илмий ишни юқори баҳолашди. Энг муҳими, маърузачилар диссертацияларнинг миллий мустақиллик мафкураси тамойиллари асосида Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш дастурига мос келишини алоҳида таъкидлашди.

Taraddud

ТАЪЗИМ

Устоз. У ёшларнинг қалбини уйғотадиган, уларнинг юракларида истеъдод бўлоқларини очадиган, инсоннинг ўзлигини танитадиган буёк сиймодир.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани мактабгача тарбия муассасаларида «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»ни муносиб кутиб олиш учун пухта ҳозирлик кўрилаётир. Болалар боғчаларининг катта ва тайёрлов гуруҳларида буюк сиймолар, устозлар, мураббийлар ҳақида машғулотлар олиб борилади. Ҳар бир болалар боғчаларида устозларга бағишлаб байрам эрталиклари ўтказилади. Эрталикка ота-оналар, маҳалла қўмиталари фаоллари жалб қилинади.

Тумандаги «Исломобод» гузарида устозлар байрамига бағишлаб катта анжуман ўтказилади. Анжуманга тумандаги халқ таълими фидойилари, фахрийлар таклиф қилинади. Илғор услубчилар, мусиқа раҳбарлари ва тарбиячилар моддий ҳамда маънавий рағбатлантирилади.

Анжуманда 27-болалар боғчаси мусиқа раҳбари Назифа Акрамова бошчилигидаги Д. Пўлатова, Ф. Тошмуҳамедова, М. Муҳамедова, Ш. Муҳиддинова, М. Раҳматжонова, М. Отахонова сингари тарбиячилардан иборат «Сумбула» хор гуруҳи дилрабо қўшиқ ва лапарлари, шўх рақслар гулдастаси билан ҳамкасбларини табриклайдилар.

Шунингдек, байрам иштирокчиларини 229, 456, 468, 607-болалар боғчалари ҳаваскор кичкинтойлари устозларни улуғловчи шеърлари, қувноқ ашула ва рақслари билан хушнуд этадилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

Qutlug' ostona

БЕРУНИЙ ВОРИСИ АМЕРИКАДА ЎҚИЙДИ

Янги ўқув йилини Беруний шаҳар халқ таълими бўлими ва унинг тасарруфидаги илм масканлари янги қувончлар — янги хушхабарлар билан бошлаб юборди. Жумладан, Шароф Рашидов номидаги гимназиянинг собиқ ўқувчиси, Тошкент Давлат дорилфунуни бизнес бошқарув факультетининг талабаси Бахтиёр Исоқов «Умид» Президент жамғармаси томонидан чет элга ўқишга юбориш учун ташкил қилинган имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, Америка Қўшма Штатларидаги Шимолий Аризона университетига ўқишга қабул қилинди.

Бахтиёрнинг муваффақиятида отаси, Беруний шаҳридаги 14-ҳунар- техника билим юрти ўқитувчиси Содиқ Тиниплиқовнинг алоҳида ўрни бор. Содиқ ака унинг ҳар машғулотини синчковлик билан кузатиб борди, жойида амалий ёрдам кўрсатди.

— Бахтиёрнинг бу ютуғи ҳаммамизнинг муваффақиятимиздир, — деди Беруний шаҳар халқ таълими бўлими мудири Энгел Ҳасанов. — Қувончлиси, бу ютуқ билан уни туманимиз ҳокими Р. Қурбонбоев, шаҳримиз ҳокими Р. Қунтуреевлар ҳам самимий табриклаб, янгидан янги зафарлар тиладилар.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Энг ажабтовур...

Американинг Вашингтон штатилик ўқувчилар — Жорж Партриж ва Тамара Маркос арғимчоқ учиш рекордини қойиллатиб қўйишган. Улар 1977 йилнинг 28 мартидан то 13 майигача 1102 соат давомида маза қилишганди.

* * *

Ҳиндистонлик Милинд Дешмукх 65 километр йўлни бошига сут тўла шиша идишни қўйиб ўтолгани билан машҳур. Шу вақт ичида идиш бир бор ҳам чайқалиб кетмаган.

* * *

Ўтган асрнинг энг машҳур дорбози француз Шарль Блонден эди. У 1869 йилнинг 30 июнида биринчи бўлиб Ниагара шаршараси устини 48 метр баландга тортилган 355 метрли арқондан юриб кесиб ўтди.

Бир йил ўтгач, у яна Ниагара шаршарасини елкасига Х.Колкордни опичлаб олганча арқонда кесиб ўтди.

Бу дорбозларнинг «пири» Уильям Болдуин эди. Сабаби у 82 ёшида 38 метрли қоялар ўртасида тортилган 100 метрли арқондан омон-эсон ўта олди. Бу 1948 йили бўлган эди.

* * *

Бетиним гапириб жаврай беришнинг жаҳон рекорди нақ 360 соат. Уни мадраслик ҳинд С.Жайраман 1989 йилнинг 8-23 июнь кунлари ўрнатган. Тинмай гап сотиш бўйича аёллар ичида жаҳон рекордини америкалик Мэри Дейвис бажарди. У 1958 йилнинг 2 сентябрида оғиз очиб, ниҳоят 7 сентябрдагина, яъни 110 соату 30 минут ўтгач нафас ростлади.

* * *

Шу пайтгача тухум тушиб синмай қолган баландлик — 198 метр. Бу рекорд 1979 йилнинг 2 октябрида Девид Доноху томонидан бажарилди. У вертолётдан туриб гольф ўйингоҳига ташлаган тухумлар «учиб» келиб юмшоққина «қўнаверди».

* * *

Тик девордан бирор бир альпинистлар ускунасисиз ва хавфсизлик чораларисиз энг тепага ўрлай олган инсон америкалик Дэниел Гудвин ҳисобланади. У 1986 йилнинг августида Торонто шаҳридаги Миллий марказ биносининг деворига ёпишиб нақ 343 метрга чиқа олди. Ўша йили у 30 ёшда эди.

О.ҲАКИМОВ тайёрлади.

ОТА ТАРБИЯТИ

(Боши 1-бетда).

болани ғудаклигиданоқ мустақил фикрлаш, ҳуқуқлар тенглигини англаш руҳида тарбиялайди. Шарқона тарбия. Боламиз ғудаклигиданоқ, йўргакданоқ ота-она, умуман, катталарни ҳурматлаш руҳида тарбиялашга одатланганмиз. Чунки ота-онанинг ўзи шу руҳда, муҳитда тарбия олган. Ота боласининг ўзгаларга, хусусан ўзидан катталарнинг кўзига тик боқмаслик, оила бошлиғи сўзига қатъий бўйсуниш ҳиссини дилига жо этади. Ҳар икки тарбиянинг ҳам мақсади — бола келажакда баркамол инсон бўлишига йўналтирилгандир. Лекин бизда ота ва бола, айниқса, ота ва қиз бола ўртасидаги муносабатларда қандайдир кўз илғамас «чегара» борлиги рост гап. Одатда оилада ўғил болага ота тарбияси, қиз болага онанинг ўгитлари зарурроқ деб ҳисоблаймиз. Тўғри. Лекин бу ота қизининг тарбиясига бефарқ бўлади, дегани эмас. Қизингиз сиздан сўзсиз, ўғлингиздан кам ибрат олмаслиги ҳақида камроқ мулоҳаза қиламиз, холос.

Ҳа, қиз бола ҳам отадан жуда кўп ибрат олади. Назаримда, умуман фарзанд тарбиясида болани олдимизга ўтказиб берадиган панд-насиҳатларимиздан бошқа тарбия — ибрат тарбияси ҳам бор. У сизнинг ибратингиз, у сизнинг «айтмаган» насиҳатларингиз. Таъкидламаган ўгитларингиз. Ахир бир кунда фарзандингизга 6 минут ёки 50 минут тарбия берганингиз билан иш битармиди? Ибрат-чи? Шахсий ибратингиз туну кун болангиз кўз олдида, ақл-шуурига ҳамроз.

«Отамдан нима ўргандим?» Шу саволни шу тобда ўзимга ҳам бердим. Отам мени ёнларига ўтказиб олиб, панд-насиҳат қилган кезлари жуда кам бўлган. Узоқ кўришмасак-да кўчоқ очиб, ўпиб кўришишганимизни эса эслай олмайман. Ёшлигимдаям отамнинг бўйнига осилиб эркаланганим ҳам кўпам хотирамда қолмаган. Аслида эса ҳаётимда мен учун отам энг улуғ мураббий, суянган тоғимдек.

Ҳозир давр бошқача. Замонавиймиз. Баъзи оилаларда ота-оналар кап-катта ўғлинию қизини ҳам бемалол эркалашади.

Болам боғчага отланишдан олдин, ҳатто тошойна олдига бориб, аксига қараши-ю у ёғбуғини тузатиб йўлга чиқишини, яъни отасига тақлид қилишини шундагина пайқадим. Бемаҳалда эшик қўнғироғи жиринглагудек бўлса одатда эркак киши очади. Негадир ўғилчам отаси йўғида «тўхтанг, мен...» деб эшикка мендан олдин чопишини болаларча шошқалоқликка йўярдим.

Халқимизда шундай одат бор. Болангиз одоб-ахлоқли бўлса, отасига раҳмат дейишади. Таҳсин айтишади. Агар бунинг акси бўлса-чи? «Ўзи ота-онаси ким эди?» деган дашномни эшитасиз. Бунинг маъноси жуда чуқур, илдизи теран.

Ўзим эса отам ҳақида ўйлайман.

... Баҳор кези, кунлар анча исиб кетган. Қуёш ҳароратидан ердан ҳовур кўтарилаётган пайт. Отам томорқада ер текислаб, чеккада дам олиб, негадир бироз хаёлчанроқ ўтирган экан. Сув олиб бордим. Бир чеккада кетмони. Суяндим. Қўлимга олиб кўтардим: бирам оғир.

— Ота, кетмонингиз бунча оғир? — отам мийиғида кулимсиради, лекин индамади. — Нега совуқ ерда ўтирибсиз? — дедим. Бироз ўйланиб тургач дедилар:

— Болам, ер совуқ эмас. Қара, ердан кўтарилаётган иссиқни, — деб заминдан кўтарилаётган буғга ишора қилди.

— Вой, бунинг нимаси иссиқ, ахир у ердан кўтарилаётган намлик-ку? — ҳайрон бўлдим. Лекин отам билан бошқа тортишолмадим.

— Ернинг ҳам иссиғи, тафти бор, шундан одамзот ерда яшайди, меҳнат қилади, ерга «қўйилади». — Уша пайтда отамнинг бу соддагина фалсафаси менга унчалар мураккаб туюлмаганди.

Ҳа, одам ерда яшайди, ишлайди, «қўйилади». Фақат «қўйилиши»ни ўйлаб этим жунжикиб, чўчиб тушгандек бўлгандим. Отам буни сезди.

— Қизим, болаликда ернинг тафтидан ялангоёқ чопасан, катта бўлгач, ердан ризқингни терасан, яшайсан. Ер боқади бизни... Лекин умр бир тутамгина... Вақтингни ая, беҳудага сарфлама. — Сунгра бир чеккадаги кетмонига қаради. — Кетмон эмас, қизим, меҳнат оғир. Оғир бўлсаям меҳнат, яхши меҳнат қилиш керак. Шунда яхши яшайсан...

Ҳаётимда отам берган бу тарбияни, айниқса «нега энди ердан ризқимни тераман» деган болаларча ўйни шошиб кўнгилдан ўтказгандирман ўша чоғ. Балки отам ўшанда 50 минутлик тарбияни бергандир. Балки 6 минутдан ҳам камдир. Бу тарбия бир умрлик ҳаёт мезонига тенг панд-насиҳат экан, энди билсам. Отам ернинг тафтию меҳнатнинг қадри, инсон умрининг ҳар сонияси ўлчоғлиқ экани ҳақида, қандай касб-кор қилмай, меҳнат-машаққат оғир бўлса-да «яхши меҳнат қилиш»ни менга уқтирган экан.

Ушанда отамнинг кетмонини кўтариб, оғирлигидан дарров ерга қўя қолувдим. Бурилиб кетгандим. Қайта уринмовдим ҳам ердан кўтаришга.

Ҳозир отам тўқсон ёшни қоралаб қолдилар. Лекин, ҳали-ҳануз томорқадалар...

Баъзан яқин кишимиз оламдан ўтса, «васият ҳам қилолмади» деб армон қиламиз. Аслида инсоннинг бу ёруғ дунёдаги барча эзгу ишлари васият, мерос экан.

Назаримда, фарзандимизга ибрат тарбияси нафақат отадан, балки авлодимиздан мерос. Баъзан «етти пуштимиз» дея шажарамиздан ғурурланишимизнинг боиси ҳам шундан бўлса керак. Ота тарбияси ибрати келгуси етти пуштимизнинг томирида оқажагини, бугун фарзандимиз кўнглига маҳкам жо этишимиз зарур, чоғи.

Саида БОНУ.

ҚУТЛОВ

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси, барчамиз учун қадрли бўлган Холисхон опа АБДУҒАНИЕВА!

Сизни мураббийлик қилаётганлигингизга 32 йил ва таваллуд кунингизга 55 йил тўлганлиги билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз.

Сизга таълим-тарбия бериш ва барчамизга бошқош бўлишдек масъулиятли ишда муваффақият тилаймиз. Мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик Сизга ҳамиша ёр бўлсин!

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими ва Назир Сафаров номидаги 137-мактаб жамоаси.

Sport

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

II Марқазий Осиё ўйинлари

Алмати шаҳрида қизғин курашлар остида ўтган мусобақаларда Узбекистон Республикаси терма командаси таркибида Халқ таълими вазирлиги тизимидан спортнинг волейбол, баскетбол, енгил атлетика, оғир атлетика, дзюдо кураши, юнон-рум кураши, сув полоси, сузиш ва бокс командалари қатнашишди.

«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашидан олган маълумотларимизга кўра юнон-рум кураши бўйича Қарши шаҳридан Исом Кенжаев олтин медаль соҳиби бўлди. Тошкентлик Зафар Очилов иккинчи ўринни эгаллади.

Оғир атлетикачилар баҳсида Самарқанд шаҳри вакили Виктор Янский ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан ўрин олди.

Тошкентлик Александр Уринов ҳамда самарқандлик Шамситдин Ҳусаинов ўз вазн тоифаларига кўра кумуш медални қўлга киритишди.

Енгил атлетика мусобақаларида қатнашган спортчилар орасида турли масофаларга югуриш, баландликка сакраш, турли масофаларга югуриш бўйича эстафета, найза улоқтириш бўйича олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритганлар анчагина.

Эркаклар ўртасида 4х400 метрга эстафетада пойтахтимиз вакиллари Олег Верзилин ва Алексей Файзуловлар олтин медаль соҳиби бўлишди. Хотин-қизлар ўртасида ушбу масофага эстафетада Света Копитова ва Елена Пискуновалар маррага учинчи бўлиб етиб келишди.

4х100 метр масофага эстафета мусобақасида Гўзал Хуббиева ҳамда Люба Перепеловалар чемпион бўлишди.

Енгил атлетикачилардан Анвар Кучмуродов 100 метрга югуришда, Константин Журавлев эса 200 метрга югуришда иккинчи ўринни олишди. Алексей Файзулов эса 400 метрга югуришда марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтиб, иккинчи олтин медални, Олег Верзилин эса 400 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича олтин, шу масофага югуришда бронза медалларини қўлга киритди. Гўзал Хуббиева 100 метрга (бронза) ва 200 метрга (кумуш), Елена Пискунова 400 метрга югуриш (бронза) ва 400 метрга тўсиқлар оша югуриш (бронза) мусобақаларида совриндор бўлишди.

Баландликка сакрашда Светлана Мунькова иккинчи ўринни эгаллади.

Найза улоқтиришда Сергей Войнов энг юксак натижага эришиб, II Марказий Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. Аёллар ўртасида найза улоқтиришда Елена Бургиман ҳам республикамиз терма командасига олтин медалини туҳфа этди.

Уч сакраш мусобақасида Евгений Петин енгил атлетикачилар жамғармасига бронза медали билан ўз ҳиссасини қўшди.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги спортчилари баскетбол, волейбол терма командалари таркибида ҳам муносиб ўйин кўрсатишди.

Ғ. МАННОПОВ.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1997 йил октябрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

ВЎМОИ /ВПХМОИ/ ўқув ишлари бўйича проректорлари 6—11 октябрь

Ўрта мактаб директорлари /рус тили мутахассислиги/ 2—29

Биология чуқур ўрганиладиган мактаб ўқувчилари билимини баҳолашда тест-рейтинг усулидан фойдаланиш 2—15

Янги дастур ва дарсликлар асосида /8—11-синф/ ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари 16—29

Физика-математика фани методбирлашма раҳбарлари 2—29

ЭҲМни ўқув жараёнига тадбиқ этиш: бошланғич синф ўқитувчилари учун 2—15

Янги тур мактабларнинг физика ўқитувчилари учун ўқувчилар билимини баҳолашда тест-рейтинг усулидан фойдаланиш 16—29

ВЎМОИ /ВПХМОИ/ чет тиллар кабинет ва кафедра мудирлари 2—15

Кимё дарсларини янги педагогик технология асосида ўқитиш 16—29

Чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари 2—29

Жисмоний тарбия дарсларини миллийлаштириш бўйича муаллифлик курси 16—29

ЁТИМ /ёш техниклар ижод маркази/ бўлим мудирлари 2—29

Мактаб психологлари учун махсус курс 2—15

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 2—5 октябрь кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.

Телефон: 46-06-62, 46-06-67.

«ЧОРБОҒ» Халқаро Таълим Маркази

АҚШ ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР БЮРОСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЎҚУВЧИ, ТАЛАБА ВА МУТАХАССИСЛАРГА АУДИОКАССЕТАЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Аудиокассета (*) ва қўлланмалар	Нархи сўм
1. World English (нашр. 1—2, 3—4, 5—6)	
a. Student Book	
b. Workbook	
c. Teacher's Book	
d. Аудиокассеталар	
Жами:	
Талабалар ва ўқувчилар учун (a+b+d)	9600
Ўқитувчилар учун (a+b+c+d)	12000
2. Easy does it 3. Experiencing English*)	790
4. Right Reading 5. The Way it is*)	770
6. The Lighter Side of TEFL*)	700
7. Seven of Note*) 8. Twelve famous Americans*)	920
9. Varieties of American English*)	520
10. Economic Consideration	700

Бизнинг адрес: Тошкент ш. Буюк Ипак йўли к. 167 а, Тел.: 65-41-45 65-71-59, Факс: 67-69-98

Xullas

ЗИҚНА ИККИ ҲИССА ТЎЛАЙДИ

Асли россиялик Авраам Шурф деган кимса даволаниш учун Исроилга борди. Бироқ махсус тиббий суғуртаси бўлмаган чет элликлар учун бу ерда даволаниш жуда қимматга тушишини у ҳам билмасди. А. Шурф қалтис вазиятни англаб етгач, айёрлик йўлига ўтди: исроиллик дўстининг ҳужжати билан касалхонага ётиб олди. Бекаму кўст даволанди. Аммо қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг эмас, А. Шурф Исроилдан жуфтакни ростлаб қолишга улгурмай туриб чиқди. Бу ишга дарров қонун органлари аралашди. Оқибатда россиялик меҳмондан чет элликларга белгиланган даволаниш ҳақи ва... ёлғончилиги учун каттагина жарима ундирилди...

ЭССИЗ ЧОЙЧАҚА...

Владивостокдаги машҳур «Океан» ресторанидан мириқиб чиққан Вадим исмли балиқчини эшик ёнида омад кутиб турган экан. Йўлак бурчагидаги бўлмада хўрандалар ечиб қолдирган устки кийим-бошларга қараб турадиган хизматчи адашиб Вадимга, унинг оддий чарм курткасини эмас, аллақандай қимматбаҳо пўстинни узатди. Балиқчининг кайфи тарқаб, кўзлари чарақлаб кетди. Охири, «эриб кетганидан» хизматчига эллик минг рубллик қоғоз пулни «чойчақа» сифатида узатди. Хизматчи аввалига илжайиб ҳадяни чўнтагига жойлади, сўнг ажабланган кўйи Вадимни бош-оёқ кузатди. Ҳойнаҳой, бу оддий балиқчи не сабабдан саховат кўрсатганига ажабланаётганди. Сўнг чинакам қўриқчиларга хос зийраклиги тутди, шекилли, дарҳол қимматбаҳо пўстин ўрнида қолган рақамли жетонни текшириб кўрди ва... шу лаҳзадаёқ хатосини англаб етди. Қимматбаҳо пўстин жойига қайтарилди. Бироқ Вадим берган «чойчақа» жойида қолди. Ахир уни исботлаш қийин-да...

ТАМАКИФУРУШЛАР ХУШОМАДИ

Тамаки маҳсулотлари савдосидан тушган маблағнинг бир қисмини фирмалар чекишни тақиқловчи тадбирларга сарфлашлари зарур. Бундай талабни Италия соғлиқни сақлаш вазири Рози Бинди хоним қўймоқда. Аммо унинг ўзи «Пэл-мэл» сигаретларини жуда хуш кўради. Бундай ҳолни сезиб қолган тамакифурушлар айни кунда Римга жуда кўп миқдорда «Пэл-мэл» сигаретларидан келтиришга киришиб кетди. Ҳатто, шу нав сигаретлар ишлаб чиқарадиган фабрикага, сигарет қутилари сиртига «Биз сизни севамиз, Рози», деб ёздиришни буюртма қилдиришмоқчи эмиш. Ана хушомаду мана хушомад!

ana shunaqa gaplar

Sport

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛИШДИ

Ўтган ҳафта якшанба куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини Алматида қозоғистонликлар билан ўтказишди. Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган ушбу учрашувда дуранг 1:1 натижа қайд этилди. Тўпларни қозоғистонликлардан Руслан Балтиев, Ўзбекистон терма жамоаси футболчиларидан эса Олег Шацких киритишди. Навбатдаги саралаш учрашувини футболчиларимиз 27 сентябрь куни Тошкентда Бирлашган Араб амирликлари билан ўтказишади.

ТУҲМАТЛАРДА ҚОЛГАНДИ БОШИ...

Англиянинг Винчестер шаҳрида бир неча йилдан буён давом этиб келаётган келишилган ўйин «қаҳрамони» — «Саутгемптона» ва «Ливерпуль» ҳамда Зимбабве терма жамоаси дарвозабони Брюс Гроббелалар устидан қўзғатилган жиноий иш ўз ниҳоясига етди. Судья Брюсда ҳеч қандай жиноят аломатлари йўқ эканлигини тан олди. «Икки ярим йил ҳақиқий дўзахда яшадим. Бу мен ва менинг оилам учун оғир синов бўлди. Мени ҳамиша қўллаб-қувватлаганлари учун оиламдан, дўстларимдан миннатдорман», — деди у журналистларга.

77 МИЛЛИОНГА БАҲОЛАНГАН ШАРТНОМА

Испаниянинг «Барселона» жамоаси таркибида тўп сураётган бразилиялик Рональдо яқинда «Аср шартномаси»га имзо чекди. Шартноманинг қиймати 77 миллион АҚШ долларига тенг, футболчининг йиллик маоши 3,5 миллион доллар қилиб белгиланган. Бунинг учун Рональдо «Барселона» таркибида 2006 йилгача ўйнаб бериши лозим бўлади.

ДЭВИС КУБОГИ: ЎЗБЕКИСТОН — ФИЛИППИН

Бир ҳафта давомида Тошкентдаги «Динамо» теннис клуби кортларида Дэвис Кубоги туркумидаги мусобақалар бўлиб ўтди. Унда Осиё ва Океания минтақасининг 1 гуруҳида ўз ўрнини сақлаб қолиш учун курашаётган ўзбекистонлик теннисчилар Филиппин терма жамоаси устидан ғалаба қозонишди. Бу ютуққа спортчиларимиздан Олег Огородов, Дмитрий Томошевичлар муносиб ҳисса қўшдилар. Шундай қилиб ўзбекистонлик теннис соҳиблари Осиё — Океания ҳудудидаги ҳал қилувчи финал беллашувларига йўлланма олишди.

ИККИТАСИДАН БИТТАСИГА

Шу йилнинг 13—20 сентябрь кунлари Алматидаги қайтадан янгиланган Марказий ўйингоҳида II Марказий Осиё ўйинлари ўтказилди. Халқаро олимпия қўмитаси раҳнамолигида бўлиб ўтган ушбу мусобақаларда спортнинг 14 тури бўйича ўзаро куч синашдилар. Мусобақаларда жами 1,5 мингдан ортиқ спортчи, шу жумладан Ўзбекистондан 260 нафар юртдошларимиз қатнашди. Ўзбекистонлик спорт усталари ҳам беллашувларда зўр маҳорат кўрсатиб жами медалларини 120 тадан ошириб юбордилар. Шундай қилиб вакилларимиз Қозоғистон терма жамоасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллашди.

maydonchasi

Денов тумани халқ таълими бўлими ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси ҳамда бир гуруҳ туман маорифчилари Денов тумани халқ таълими бўлими мудири А.Жалиловга акаси ОМОН ҳамда онаси ТУРСУНОЙ момонинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0596. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6